

АДОЛАТ

ЎЗАРО ИШОНЧЛИ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов
26 июль кун Оқсаройда Қозоғистон Республикаси
Бош вазир Карим Масимовни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташири билан қўлаб, Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, аynиқса, иқтисодий ҳамкорлик кенгайтирилгани таъкидлади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар азалий дўстлик, қардошлиқ ришталари асосига қурилган. Халқларимиз қадимдан ёнма-ён яшаб, бир-бирининг қувончу қайғусига шерик бўлиб келган.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлига оид масалаларга, халқро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари ўхшаш ва яқин эканлиги муҳим ўрин тутади. Икки давлат Президентларининг кўп жihatдан ҳамфиролиги сиёсий соҳада ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашнинг, иқтисодий соҳада эса икки томонлама манфаатдорлик руҳини қарор топтиришнинг бош омилли бўлиб хизмат қилмоқда.

2006 йил март ойда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Қозоғистон саммитида Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбаев мамлакатларимиз ўртасида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга қарор қилган эдилар. Шу тарихи Президентларнинг келишувларини ҳаётга жорий этиш, имзоланган ҳужжатлар ижросининг мониторингини олиб бориш, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалаларни тезкорликда ҳал қилишнинг нобъ механизми яратилди.

Кенгашнинг биринчи маж-

лиси Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг 2006 йил ноябрь ойда Тошкентда бўлиб ўтган норасмий учрашуви чоғида ўтказилди. Ислам Каримов ва Нурсултон Назарбаев сўвдан фойдаланиш, энергетика, коммуникация каби соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилдилар. Чегарага туташ ҳудудларда савдо шохобчалари очилиш, улар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш ва шу орқали ўзаро савдон аянда ривожлантиришга, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида элчионаларга ҳарбий маслаҳатчи (атташе) тайинлашга, ҳарбий қадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлики кенгайтиришга қарор қилинди.

Карим Масимовнинг Ўзбекистонга ташири асносида Тошкентда Қозоғистон Тараққиёт банкнинг ваколатхонаси очилгани ҳам Президентлар келишувининг натижасидир. Шунингдек, пойтахтимизда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда илгари эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши кўриб чиқилиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлики аянда ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини турли соҳалардаги ҳамкорлик масалаларига оид юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳар йили 20-35 фоиз ўсмокда. 2006 йилда мазкур кўрсаткич 718,6 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Бу 2005 йилдагидан қарийб 40 фоиз кўпдир. 2007 йилнинг ян-

варь-июнь ойларига доир кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 93,2 фоиз ошиб, 583,4 миллион АҚШ долларига етди. Умуман, мутахассислар бу кўрсаткични бир миллиардга етказиш имконияти мавжудлигини таъкидлашди, ҳозирги ўсиш суръати эса бу микдор ҳам чегара эмаслигидан далolat бермокда.

Ўзбекистонда бир юз йилгирмадан зиёд, Қозоғистонда эса юздан ортққ ўзаро шериклик асосида ташкил этилган қўша корхона фаолият юритмокда.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам ҳамкорлигининг муҳим йўналишлари сирасига киради. Хусусан, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги алоқалар жадал ривожланмокда. Масалан, 2006 йилда Хоразм Мамун академияси билан Қозоғистон Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намооянлари Ўзбекистон ва Қозоғистонда ташкил этилаётган халқаро форумларда мунтазам иштирок этиб бормоқда.



Оқсаройдаги учрашувда К.Масимов Ўзбекистонга ташири самарали кечаётганини, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлисида эришилган келишувлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Самийи қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЯНГИ, ШИНАМ ВА ЗАМОНАВИЙ

Самарқанд вилоятида
янги ўқув йили 120 дан
ортққ мактабда кат-
та шодифналар билан
кутиб олинади. Чунки
вилоят ҳокимлигининг
ташаббуси билан ушбу
таълим масканлари
қайтадан қурилди ёки
капитал реконструк-
ция ишлари амалга
оширилиб, энг замона-
вий ўқув жиҳозлари би-
лан таъминланди.



Жомбой туманининг қишлоқларидаги 20- ва 8- Қозон қишлоғидаги 34- ва Самарқанд ва Пайариқ ту- 14- Тайлоқ туманининг манларидидаги 32- ва 7- Пайшанбасиёб ва Сочак умумтаълим мактаблари

ҳамда Самарқанд шаҳрида- ги иқтидорли болалар мактаби бинолари қурилиш якунига кўра тендер комиссиясининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Қишлоқ мактабларининг ўқув шароитларини яхшилашга ҳокимлик, халқ таълими, қурилиш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари доимий вазифа сифатида қараб келишмокда. Мактаблар қурилиш ва реконструкцияси ҳажми келгуси йилда аянда ошиши кутилмокда, деб хабар беришди вилоят ҳокимлигининг "Инжиниринг" компанияси мутахассислари. Шу мақсадда ҳозир янги тендер танловларига қизгин тайёргар-

лик кўрилмокда. Самарқанддаги "Барокат қурилиш сервис", "Меъмор", "Рухсора", "Гули Садбирг", "Истиқлол гуначалари" сингари қурилиш фирмаларининг тендер лойиҳаларини вақтида, сифатли амалга ошириш борасидаги тажрибаси эса кенг тарғиб этилмокда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири

Суратларда: "Барокат қурилиш сервис" раҳбари Мурод Қобилов жамоа аъзолари билан янги қурилиш лойиҳасини кўздан кечирмокда; Тайлоқ туманининг Пайшанбасиёб қишлоғидаги янги мактаб.

Муаллиф олган суратлар.

САМАРҚАНДДА — «АДОЛАТ» БОҒЛАРИ

Шу йил эрта баҳорда «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши аjoyиб ташаббус билан чиқди. Туман Кенгаши, партия фаоллари билан биргаликда ўз ҳудудларида боғ яратишга даъват этилди.

Эзгуликка йўғрилган ҳар қандай юмуш, хайрли амалнинг қаноти бор, деб бежизга айтишмаган экан. Вилоят партия Кенгашининг ушбу ташаббуси қўйи ташкилотлар томонидан қизгин қўлаб-қувватланди. Бошқача айтганда, ташаббус кенг қўлоб ёзди. Тез орада партия фаоллари сайёҳаракати натижасида хашар йўли билан кўпгина туманларда кўркам боғ ва хибонлар барпо этилди.

Бугун, хусусан, Тайлоқ туманидаги 30-мактаб бошланғич партия ташкилотининг ўткир Қодиров, Инобат Абдиева, Орқул Раҳимов сингари фаоллари ҳамжihatликда яратган кичик боғда юз тупга яқин дархат ва анвойи гуллар парваришланмокда. Худди шундай боғ Ургут туманидаги 28-мактабда ҳам бунёд этилган. Ушбу боғда партиядошлар тез-тез турли хил учрашувлар, жонли суҳбатлар, мулоқотлар ўтказиб туришди.

«Адолат» номи билан аталётган боғлар кўпчиликда ҳавас, қизиқиш уйғотмокда. Бунга ҳар иккала туманда партия ташкилотларининг амалий ишлариға кўмақдош бўлишга интилаётган ёшлар, хайрихоҳлар кўпаяётганлигидан ҳам билиш мумкин. Демак, Ватан ободлиги йўлидаги амалий ишларға рағбат керак, ҳолос.

ЎЗ мухбири

ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

ИСТИҚЛОЛ

«ҚАЛДИРҒОЧИ»

Ҳозирги даврда сайёҳлик дунёда энг даромадли соҳалардан бирига айланди. Чунки унга сарфланган ҳар қанча харажат бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ ўзини оқлайди. Техника ва транспорт воситалари тараққиёти эса сайёҳлик соҳасининг тезкор суръатларда ривожланишига ҳар томонлама ёрдам беради. Ҳисоб-китобларға кўра, яна 12-14 йилдан кейин дунё бўйича сайёҳликдан тушадиган даромад 500 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетар экан. Бу рақам мазкур соҳанинг нечоғли муҳимлигидан далolat бериб турибди.

Олис тарихимиз саҳифаларини варақлаш асносида, юртимизға хорижий юртлар сайёҳларининг сарлари айнаан Амир Темур ва темирйўллар даврида фаоллашганга амин бўламиз. Ўз даврида Соҳибқирон ҳазратлари бошқа кўплав давлатлар раҳбарлари сингари франқуз қироли Карл VI ва инглиз қироли Генрих IV билан алоқа ўрнатган. Шавкатли бобокалонимизнинг элчиси 1403 йилда Парижа борган бўлса, Европа давлатлари ҳукмдорларининг элчилари Самарқандда,

Темур саройида қабул қилинган. Хусусан, испаниялик Клавихонинг "Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти" асарида юртимиздаги ижтимоий ҳаёт манзаралари ва сайёҳларнинг Темур давлатига интилиши қанчалик ҳассослик билан акс этирилгани ҳам бу фикримизни яққол тасдиқлайди.

Ҳа, диёримизнинг бой ва кўҳна тарихи, қадимий маданият-меъморлиги ёдгорликлари жаҳон сайёҳларини ҳамиша ўзига қорлаб келган. Таассуфки, шўролар замонида юртимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти марказдан туриб бошқарилгани ва олинган асосий даромад ҳам марказға йўналтирилгани оқибатида республикамиз иқтисодиёти сайёҳликдан унчалик наф кўрмас эди.

Мустақилликнинг дастлабки давриданок Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда туризм ишини яхшилаш, диёримизнинг бу борадаги жозибдорлигидан оқилона фойдаланиш, қолаверса, сайёҳликдан тушадиган даромадни тўғридан-тўғри юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришға йўналтириш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 1992 йил 27 июлдаги фармониға мувофиқ, са-

ёҳат соҳасида республикада ягона сиёсатни амалга оширувчи давлат органи - "Ўзбектуризм" миллий компанияси тузилди.

Миллий компания ўтган даврда мамлакатимизда сайёҳликнинг ҳуқуқий, иқтисодий асосларини шакллантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос сайёҳлик тизимини таркиб топтириш борасида муайян натижаларға эришди. Хорижий инвестициялар жалб этилиб, замонавий сайёҳлик мажмуалари қурилмокда, шунингдек, янги туристик йўналишлар ишлаб чиқилмокда. Тарихий-меъморчилик обидалари таъмирланишиға, уларни тарғиб-ташвиқ қилиш ишиға алоҳида аҳамият берилмокда.

Бунинг натижасида миллий туризм замон талаблари даражасида изчил ривожланмокда. Эндиликда ушбу тармоқ мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётиға, дунё микёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришға самарали ҳисса қўшаётир.

Тадбиркорларимиз - сайёҳлар хизматида

Ўзбекистон 1993 йилда ўз саифига 120 дан ортққ мамлакатни

бирлаштирган Жаҳон туристик ташкилотига (WTO), кейинчалик WTO Европа комиссияси раёсатиға аъзо бўлди. Бундан бера неча йил буру - 2004 йилнинг октябрида "Буюк ипак йўли" лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоятида мазкур халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси очилгани хорижий сайёҳлик агентликлари Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари билан кенг танишиши учун яна бир қулайлик яратди.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, бугунги кунда компаниянинг Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида минтақавий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда Саёҳат ва экскурсия бюролари, шунингдек, Малайзия, Индонезия, Покистон, Россия, Миср Араб Республикаси каби давлатларда ўз ваколатхоналари фаолият юритмокда. Уларнинг асосий вазибалари минтақаларда ва хорижда туризм фаолиятини мувофиқлаштириш, жойлардаги барча туризм имкониятларини чуқур ўрганиб чиқиш, соҳадаги муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўришдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

Муҳокама учун мавзу

Ўзбекистон-Қозоғистон:

ДАВЛАТЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 26 июль кун Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари раҳбарлигида фаолият юритувчи Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизға расмий ташириф буюрган Қозоғистон Республикаси Бош вазир Карим Масимов иштирок этди.

Мажлисида икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, энергетика, нефть-газ, фан-таълим, қишлоқ ва сув ҳужайлиги, маданият, транспорт коммуникациялари, саноатнинг

кўплаб тармоқлари, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирилик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги дўстлик, қардошлик ва қўшнчилик аънавалари асосида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Уларнинг элликдан ор-

тиги иқтисодий соҳаға тааллуқлидир. Бу ҳужжатлар орасида эркин савдо, сармоияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қончиға оид битимлар бор.

2006 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 718,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2007 йилнинг январь-июнь ойларида эса мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 93,2 фоиз ошгани мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми жорий йилда бир миллиард АҚШ долларига етишидан далolat бермокда.

(Давоми 2-бетда)

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Каттакўрғон туманида истиқлолнинг 16 йиллигиға бағишлаб "Мустақиллик, янгиликлар, ислохотлар йўлидан" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа соҳа ходимлари иштирок этди.

Жомбой туманидаги 46-мактабда "Сийёсий партиялар фаолияти - демократик ривожланишнинг асосий шарти ва гарови" мавзусида семинар ташкил қилинди. Анжуманда сиёсий партияларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрни хусусида тўз ҳоким-Пастдаргон туман ҳокимлигида бўлиб ўтган "Оила -

эл-юрт таяничи, жамият пойдевори" мавзусидаги тадбирда "Еш оилаларни моддий ва маънавий қўлаб қувватлашға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармонининг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Нуробод туманида "Адолат" СДП туман Кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида учрашув ўтказилди. "Мустақиллик - улугъ неъмат" деб номланган мазкур тадбирда бу каби йиғинлар ёшларнинг она Ватанға садоқатли фарзандлар бўлиб вояға етишларига аҳамияти катта эканлиги таъкидланди.

Ҳамза туманидаги Усмон Носир номли маҳаллада туман партия Кенгаши ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини ҳамакорлигида уюштирилган "Қонунлар яратишда фуқаролар фаолиятининг аҳамияти" деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Юнусобод туманидаги 63-мактабда "Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни" мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Чилонзор туман партия Кенгаши ҳамда "Жам" фирмаси ҳамкорлигида "Гулистон" қариялар уйида тадбир ўтказилди. Унда ёлғиз кексаларға моддий ёрдам кўрсатилди.

ТОМОШАБИН ТАЛАБИ

ёхуд тарихий мавзуда фильмлар яратишға нега рағбат сезилмаяпти?

"Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан 2006 йилда 15 та бадий фильм суратға олинган. Жорий йилда 12 та фильм ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, нодавлат студияларда ҳар йили 20 дан ортққ фильм ишланаяпти.

Бироқ улар орасида фақат "Ватан" номли кино асар тарихий мавзуда, ҳолос. Негадир кейинки йилларда бу мавзуга камдан-кам ҳолларда мурожаат қилинмокда. Ҳўш, бунинг сабаби нимада? Нима учун режиссёрлар замонавий талқиндаги ижтимоий ёки севги-муҳаббат мавзуларида картиналар яратишға кўпроқ эътибор қаратишмокда? Ахир, ёшларға Ватан тўғрисида, миллий мафкура ни синдиришда, урф-одатлар ва қадриятларни тарғиб этишда тарихий фильмларнинг ўрни, таъсири салмоқли эмасми?..

3-бетда ўқинг



Ўзбекистон-Қозоғистон:

ДАВЛАТЛАРАРО
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ
КЕНГАШ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Икки давлат Президентларининг учрашувларида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни атрофдаги таҳлил қилинди. Томонлар Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳоли ва иқтисодига оид кенг қўламадаги масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш имкониятлари катта, - деди Қозоғистон Бош вазир К.Масимов. - Биз, қозоғистонликлар мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни диққат билан кузатиб бормоқдамиз ва қўллаб-қувватламоқдамиз.

Ушбу ислохотлар мустақил Ўзбекистоннинг тобора равнақ топиб, халқининг фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни ҳам жуда қувонтирди. Бу Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатда миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга қаратилган оқилона сиёсати самараларидандир.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007-2016 йилларда иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида архив иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим им-

золанди.

Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси қатнашчилари Қозоғистон Тараққиёт банкнинг Тошкентдаги ваколатхонаси очилиш маросимида ҳам иштирок этди.

Шу кун Қозоғистон Республикаси Бош вазир К.Масимов Темирийлар тарихи давлат музейи экспозицияси билан танишди.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Бош вазир Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган ушбу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ноира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбирлари

ҚИШЛОҚ АҲЛИГА ТУҲФА

Избоскан туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар, 5,5 миллион сўмлик қаттиқ ва yumшoқ жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган ушбу тиббиёт муассасасида умумий амалиёт, ташхис, таҳлилхона, оналар ва болалар, эмлаш ва физиотерапия хоналари мавжуд. Мазкур масканга 10 нафар малакали тиббиёт ходими бериқтирилди. Улар ҳудуддаги барча аҳоли, хусусан, ҳомиладор аёллар, кек-

салар ва болалар соғлиқларини мунтазам назорат қиладилар.

Врачлик пунктнинг очилиш маросими катта тантангага айланиб кетди. Унда иштирок этган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи В.Ҳакимов, «Адолат» СДП туман кенгаши биринчи котиби Ю.Нишонов ва бошқалар янги тиббиёт маскани ҳукуматимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлашди.

А.МАХМУДОВ,
«Адолат» мухбири

Ислохот ва самара

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ
РАҚОБАТГА ЙЎЛ ОЧДИ

Бугунги рақобат шароитида бозорни харидорлар маҳсулотлари билан тўлдирши, биринчи галда, корхонани модернизациялаш, юқори технологияларни ўзлаштириши тақозо этади. Самарқанддаги трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган «Бофанда» акциядорлик жамияти аини шу йўлни танлагани боис, иқтисодий кўрсаткичларини ой сайин яхшилаб, буюртмачилар сифини кенгайтирмоқда.



МЎМАЙ ДАРОМАД ИЛИНЖИДА...

Бугун мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшаётган тадбиркорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бироқ мўмай даромад илинжида ноқонуний ишларга қўла уратган «тадбиркорлар» ҳам учраб турибди. Пойтахтимиздаги «Nurul anvoz» хусусий фирмаси раҳбари Фарҳод Абдиев қозоғистонлик Юсу-

пали Алимов билан жиноий тил бириктириб, хорижда ишлаб чиқарилган 31 тонна ун маҳсулотлари сотиш орқали мўмай даромад топишни режалаштирди. Шу мақсадда Янгийўл шаҳридаги деҳқон бозорига унинг «киммат кетиши»дан суюнган ҳамтовоклар ишга киришишди.

Қўза кунда эмас, кундада синади, деганларидек, «тадбиркор»ларнинг кирдиқорлари Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар-

га ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Янгийўл шаҳар бўлими ходимлари томонидан фош этилди.

Департамент ходимлари ноқонуний йўл билан даромад орттиришчи бўлган устамонларни ушлаганларида улар 4 тонна унни сотиб улгуришган экан. Сотилмайд қолган 8 миллион 370 минг сўмлик 27 тонна ун маҳсулоти ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Қилмиш-қидирмиш

Терговолди текширув ҳаракатлари давомида «Nurul anvoz» хусусий фирмаси раҳбари Ф.Абдиев ушбу 31 тонна ун маҳсулоти Ю.Алимовга нақд пулга сотиш учун берганини аниқлади. Ҳар икки «ишбилармон»га нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Миръазам КОМИЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚК Департаменти Янгийўл шаҳар бўлими бошлиғи

ОЛАМНИ МАҲЛИЁ АЙЛАГАН ДИЁР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу тузилмалар юртимиздаги бой тарихий-меъморий обидалар, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларни кенг тарғиб этиш ва сайёҳларни кенг жалб этиш, шу билан бирга, янги йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни дунёнинг нуфузли давлатларида бўлиб ўтадиган сайёҳлик кўргазма-бозорларида тарғиб қилиш билан шугулланмоқда. Улар томонидан жойларда хусусий секторни янада ривожлантириш мақсадида замонавий талаб даражасидаги хусусий меҳмонхона мажмуаларини барпо этишда тадбиркорларга яқиндан қўллаб-қувватлаш, сайёҳлар сайр қиладиган жойларда янги сервис ва хизмат кўрсатиш турларини барпо этиш эвазига жойларда қўшимча иш ўринларини яратиш каби ишлар амалга оширилади.

Республикаимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида ўрта ва кичик бизнесга кенг йўл очиб берилмоқда. Шу жумладан, туризм йўналишида хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар сони кундан-кун қўпаймоқда. Ҳозир юртимизда туризм соҳасида хизмат кўрсатишнинг асосий қисми хусусий сектор томонидан амалга оширилади.

Айни вақтда юртимизда «Қумушқон» туристик базиси, «Сангзор» кемпинг мажмуаси, Чорвоқ, Чимён, Билдирсой дара оғли оромгоҳлари ва юзга яқин хусусий меҳмонхона ишлаб турибди. Эътиборли жиҳати шундаки, диёримизда қўлаб туристларни қабул қилиш ва уларга юқори савияда хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган меҳмонхоналар сони тобора ортмоқда. Биргина пойтахтимизнинг ўзида Inter Continental, Grande Plaza, Redisson SAS каби йирик ва замонавий еттига отел ишлаб турибди.

Ҳам самолёт,

ҳам поездда...

Ҳаво йўллари саяҳати маршрутлари мамлакатимизнинг ўнлаб шаҳарлари йўналиши, МДХ, шунингдек, дунёнинг қўлаб давлатлари бўйлаб ўтади. Бунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари билан кунига минглаб туристларга хизмат кўрсатилади.

Авиакомпания матбуот хизмати маълумотларига кўра, жорий йилнинг олти ойи давомида жами 11069 рейс бажарилган ва бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 409 тага кўпдир. Ҳозирги кунда миллий авиакомпаниямиз тасарруфидан ривожланган давлатларнинг авиасозлик корхоналарида ишлаб чиқарилган 16 та замонавий ҳаво кемаси мавжуд. Уларнинг аксарияти Нью-

Йорк ва Лондон, Франкфурт ва Токио, Москва, Санкт-Петербург сингари жаҳоннинг қирқдан ортиқ йирик шаҳарларига мунтазам парвоз қилмоқда.

Ўзбекистоннинг барча вилоят марказлари билан Москва ва Россиянинг бошқа йирик шаҳарлари ўртасида тургидан-турри авиарейслар йўлга қўйилгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Яқинда Қарши-Москва (Домодедово) йўналиши бўйича Boeing-757 самолёти қатъий бошлади.

Авиакомпания жорий йилнинг 20 июль-31 октябрь даврида – сайёҳлар аини фойдалашган кезда – Тошкент-Сеул авиарейсида бепул юк ташиш меъёрларини оширишга қарор қилди. Шу мuddат оралиғида мазкур йўналишда авиакомпаниямиз хизматидан фойдаланадиганлар биринчи классда – 60, бизнес-классда – 45 ва эконом-классда 35 килограмм юкни бепул олиб учини мумкин.

Бошқа бир йўналиш – темир йўллар маршрутларида ҳам Буюк ипак йўли бўйлаб сафар қилиш, минтақамиз ва, умуман, МДХ мамлакатларининг йирик шаҳарларига саяхат қилиш мумкин. Бунда мамлакатимиз бўйлаб ангидан-янги темир йўл линиялари фойдаланишга топширилётгани, аиники, Тошкент билан Самарқанд, Бухоро сингари тарихий шаҳарларимиз оралиғида тезкор, замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилгани диққатга сазовордир.

Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик темир йўл компаниясидан маълум қилишларича, жорий йилнинг сентябрь ойида Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўл линияси бўйлаб поездлар қатнови бошланади.

Автотранспорт саяҳати ҳам юртимизда кенг тарқалган туризм тури хисобланади. Унинг маршрутлари республикамизнинг барча вилоятлари, туристик марказлардаги манзарали дара оғли жойлари, қўшни мамлакатлар бўйлаб ўтади. Истиклол йилларида наинки мамлакатимизда, аини чоғда халқаро аҳамиятга эга йўллар қуриш ва улардан самарали фойдаланиш жаҳасида ҳам залворли ишлар қилинди.

Яқин истиқболда ушбу янгиланишлар юртимизнинг ҳаво йўллари, темир йўллар ва автотранспорт саяҳати йўналишларида туризм ривожини учун янги ўқлар очини тайин.

Жавоҳирлар

мамлакатини

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг юртимизда туризмни ривожлантиришга қаратаётган улкан эътибори соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Мам-

лакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва нуфузининг белгиси бўлган улғайишларимизнинг бой тарихий мероси, бетакор меъморий обидаларини тиклаш ва қайта таъмирлаш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Истиклол шарофати билан бу борада қўлга киритаётган ютуқларимизни жаҳон миқёсида тарғиб ва ташвиқ қилиш имконияти яратилди. Бу эса барча қитъалардаги мамлакатлардан сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Натижада республикамизга ташриф буюраётган меҳмонлар сони йилдан-йилга қўпайиб бораётган.

Мутахассисларнинг эътирофи эътишо, Ўзбекистон ўзининг сайёҳлик салоҳияти бўйича минтақамизда энг етакчи мавқеда, дунё миқёсида эса бу борада ноёб имкониятларга эга 10-15 давлат қаторида туради.

Буюк ипак йўли марказида жойлашган ҳамда азалдан Шарқ билан Ғарбни боғлаб турувчи муҳим робита вазиасини ўтаган юртимизда аини вақтда турли даврлар ва цивилизацияларга мансуб 8 мингга яқин меъморий ва тарихий-маданий обидасакланиб қолган. Уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида олинган. Ҳозирги кунда шулардан қарийб 4 мингтаги республикамиз бўйлаб сайёҳлик йўналишларига қиритилган.

Асосий туристик йўналишлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз шаҳарларидаги энг қадимий ёдгорликлар ва бошқа тарихий-маданий обидалар зиёратини кўзда тутди. Ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан неча минглаб сайёҳлар, ишбилармонлар ва меҳмонлар ана шу йўналишларда юртимиз бўйлаб саяхат қиладилар ва ҳар гал аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бетакор тарихий ва меъморий обидаларимиздан ҳайратга тушадилар.

Юртимизга бир бор келган сайёҳ, албатта, яна келсам, деган орзу-хавасни дилига жойлаб қайтади. Зеро, Юртбошимиз раҳбарлигида қанчадан-қанча тарихий-меъморий обидаларимиз қайта тикланиб, улғайишлар бўйлаб зиёрат йўналишлари очилди.

Ўзбекистон наинки қадимий меъморий обидалари, балки мустақил даврида бунёд этилган, ўзида Шарқ ва Ғарб меъморлигининг энг нозик кирраларини уйғунлаштирган гўзал ва муҳташам иморатлари, маҳобатли майдонлари, бой музейлари, замонавий маданият ва спорт иншоотлари, қўркам истироҳат боғлари билан ҳам сайёҳлик ботида жуда жозибадор ўлкадир. Хусусан, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони, Миллий боғ, Санъат галереяси

каби муаззам гўшаларидан кун бўйи хорижлик меҳмонлар ва сайёҳлар қадами узилмапти. Темирийлар тарихи давлат музейини эса ҳар ойда 4,5-5 минг киши зиёрат қилмоқда.

Шунингдек, Тошкент вилоятидаги Чимён, Чорвоқ дара оғли ва даволаниш оромгоҳлари, Жиззах вилоятидаги Зомин қўриқхонаси, Бухоро вилоятидаги қўриқхоналар бўйлаб ташкил қилинган экологик туризм йўналишида сайёҳлар юртимизнинг алоҳида муҳофаза қилинадиган ноёб табиий ҳудудлари, туристлар учун экологик жиҳатдан қўлай ҳамда фойдали манзилларда бўлиш имконига эга.

Ҳозирги кунда дунёнинг турли давлатларидан ташриф буюраётган сайёҳлар ва меҳмонлар шу каби турфа йўналишлар бўйлаб цивилизация бешиқларидан бўлиниш кўна ва навқирон шаҳарларимизни, санъат асари даражасидаги бетакор меъморий обидаларини ўз кўзи билан кўриш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини зиёрат қилиш, юртимизнинг беқиёс гўзал ва нафис табиати, халқимиз томонидан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, улугвор ўғаришлар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Хорижлик сайёҳлар ва юртимиз меҳмонларининг ҳар бири диёримиздан ўзбек халқининг бой ва шонли ўтмиши, қадимий урф-одатлари, ўзига хос санъати ва маданияти ҳақидаги бой таассуротлар билан қайтаётганларида, албатта, мамлакатимиз туризм соҳаси вакиллари хизмати катта. Зотан, ўлкамизга хорижий мамлакатлардан келаётган сайёҳларнинг сони йил сайин ошиб бораётгани, янги-дан-янги сайёҳлик йўналишлари очилаётгани, туристларга хизмат кўрсатиш ва сервисининг яхшилаётгани замирида соҳа мутахассислари ва хизматчилари меҳнати, изланиш ҳамда интилишлари муҳассам.

Юртимизда эса туризмни янада ривожлантириш учун барча ресурслар, яъни бой маданий-тарихий мерос, табиий гўзал ва сўлим масканлар, замонавий меҳмонхоналар ва транспорт воситалари, етук мутахассислар ҳамда иқтисодий рағбатлантирувчи механизм мавжуд. Энг муҳими, руҳига ҳайрат, қалбига завқ, тафаккурига озиқ излаб келадиган ва, мадҳиямизда қўйланганидек, оламни маҳлиё айлаган диёр – Ўзбекистонимизнинг муҳлисига, ҳатто, беминнат тарғиботчисига айланадиган ҳолис ва ёрғун ниятли меҳмонлар учун халқимизнинг бағри, юртимизнинг дарвозалари ҳамиша очик.

Ғулом МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси

“Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган”
темир йўл қурилиши кундаликларида

ПЎЛАТ ИЗЛАР УЗАЙМОҚДА

23 июль. ...Дехқонбоддан “Чак-чак”гача бўлган ҳудуд. Енгил машинада кетаямиз. Йўлнинг текислиги ва равонлигидан дилингиз байрайди. Ва беихтиёр ҳукуматимиз автомобил йўллари ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратаётганига ғувоҳ бўласиз...

Йўлдаги бекатлардан бирида қутилмаганда қадрдон бир танишимни учратиб қолдим.

– Бизнинг Бешбулоққа ҳам ўтинг, – тақлиф қилди у. – Ўзаришлар катта. Темир йўл қишлоғимизнинг қок ўртасидан кесиб ўтапти. Ўнлаб маъмурий, маданий, маиший иморатлар қурилди, ободонлаштириш, қўламазорлаштириш ишлари дегандай... Кўрасиз, ёзасиз. Баҳонада бир пиёла чой...

– Вақт тизиз, жўра, чой-пойнинг бошқа бир мавриди келар. Ҳозир Шўрбга шошаётгандик, – узр сўрадим.

24 июль. “Шўрб”га кеча қуёш ётоғига қирай-қирай деганда етиб келдик. Бугун эрталаб бу ердан “Дарбанд”га қараб тушаётган темир излар бўйлаб “саёхат” қилдик. “Дарбанд”га Сурхондарёнинг “Қумқўрган” бекатидан ҳам темир излар тўшалиб келаяпти. Излар худди шу ерда туташди. Тунов кунни бу оралик масофа 12 километр эди. Бугун уни “8-9 километр” дейишяппти. Демак, иш қизигандан қизияптики, темир излар кун сайин узаймоқда. Ҳозиргача “Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган” оралиғида жами 200 километрлик зинд темир излар ётқирилган. Мен шу аснода шахсан Президентимиз Ислам Каримов ва ҳукуматимизнинг бунёдкорларини бундай сурбат ва журъдга сафарбар этилган сўзларни-ю кўрсатмалари ҳамда ахборотларини эсламан: ўтган


йил давлатимиз раҳбари 2006 йил якунлари ва 2007 йилнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида айтган эдилар: “2007 йилда жанубий йўналишда “Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган” темир йўли бўйлаб поездлар қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бу йирик лойиҳага 450 миллион АҚШ долларига яқин хорижий ва маҳаллий инвестиция йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш лозим...”

Ҳукуматимиз жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисида ахборот тарзда қайд этди: “...Шу йилнинг сентябрь ойигача ҳаракатини бошлаш учун “Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган” темир йўли қурилиши тугалланмоқда”.

Ғапнинг рости, ҳаяжондан ён дафтаримни олиб ёзиб қўйдим: “Юртим, янги темир йўлинг ишга тушадиган кунлар яқин!”

25 июль. Бугун сўнгги кунлар таассуротларини қозоғга тушириш билан банд бўлдим. Кеча ён дафтаримга ёзиб қўйган “Юртим, янги темир йўлинг ишга тушадиган кунлар яқин!” деган жумланинг асл моҳиятидан қилиб чиқиб битаямман: Бундан 3-4 йил муқаддам мустақилликнинг йўл қурилиш бораидаги улкан иншоотлари – “Навойи – Учқудук – Султонзод” – Нукус, “Нукус – Бейнеу” темир йўллари, “Тошкент – Андижон – Ўш – Қашғар” автомобил йўли, Тошкентда Кичик халқ трассаси, республикамиз ҳудудларида улкан йўл ҳаракати қўприқлари ишга тушди...

Бу йил эса яна бир ойу бир неча кунлардан сўнг



“Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган” темир йўли ҳаракатга келади. Бу мамлакатимизда иқтисодиётнинг қон томири, қолаверган, муҳим стратегик аҳамиятга эга транспорт ўзғи янада узаяди, жанубий ҳудудларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш оидимлари тезлашиб, янги-янги инфратузилмалар хизмати вуқудга келади, минг-минглаб янги иш ўринлари пайдо бўлади дегани.

Президентимиз бир гал таъкидлаганидек, минтақада қўмр ва ёқилғи санаети соҳалари тараққий этиб, Хонжизада полиметалл рудалари қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлаш, шунингдек, Тўбегатан қалий ўғитлари қонини ўзлаштириш ишлари амалга ошади. Истикболда у мамлакатимизни Афғонистон, Эрон, Покистон, Хиндистон каби Шарқ ва Яқин Шарқ давлатлари билан боғлаб, хорижа экспорт-импорт имкониятларини кенгайтиради. Шу орқали денгизлар океанлардаги портларга бемалол чиқиб, дунёнинг бошқа материкларига ҳам бора олишимизга йўл очилади.

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, янги темир йўлимизнинг моҳиятини белгилаб берувчи мезонлардир...

Даврон БЕК,
“Адолат” мухбири

Х О Р И Ж А Б А Р Л А Р И

Беҳбуд БОТИРОВ,
“Адолат” мухбири

